Саломат бўлинг

# СЕМИЗЛИКНИ... ҚЎЙ КЎТАРАДИ

**Айтайлик, ўзингизни ғалати сеза бошладингиз. Қадамларингиз оғирлашиб, салга терлаб, ҳансирайдиган, ҳаракатингиз сустлашиб, уйқу босиб, вужудингизда ланжлик пайдо бўлиб қолди. Кўзгу олдида ўзингизга диққат билан қарасангиз, гавдангиз анча тўлишибди. Бу семизлик ёшингизни ҳам катта қилиб кўрсатаётганидан ташвишга тушасиз ва ёрдам сўраб, шифокорга мурожаат этасиз. Ахир, семизлик ҳам касаллик-да.**

Ачинарлиси шундаки, семириб кетганлар орасида ёшлар, қизу жувонлар кўп. Қиз болаларда семириш ички секреция безлари (хусусан, жинсий безларнинг) иши ёмонлашишига олиб келади, оқибатда юзда ҳуснбузар, оёқ ва қўлларда туклар пайдо бўлади. Энг ёмони ҳаётий аъзолар – юрак, жигар, ўт пуфаги ва қон томирлари фаолияти бузилади.

Энди бунинг сабабларини аниқлайлик. Семизлик ирсиятга ҳам боғлиқ. Масалан, ота ва онада семизлик касали бўлган 80 фоиз оилаларда болалар ҳам семиз бўлиб ўсишади. Шунингдек, ҳаддан ортиқ кўп овқат, зираворли, хамирли таомлар ва ширинликлар ҳам кишини семиртиради. Чунки, кучли таомлар таркибидаги энергия тезда сарф бўлмай, танада ёғ сифатида йиғилаверади.

Аёлларда семизлик кўпинча ҳомиладорлик даврида кечади. Сабаби, бу пайтда уларнинг организмида катта гормонал ўзгаришлар юзага келади. Статистик маълумотларга кўра, хотин-қизлар ўртасида семизлик хасталиги эркакларга нисбатан 1,5-2 баравар кўп учрар экан.

Хўш, киши семизликни ёки ортиқча вазнни қандай аниқлаши мумкин? Бунинг учун махсус Брок формуласи жуда қулай. Унга кўра аввал бўйингизни ўлчаб, сўнг ундан 100 рақамини олиб ташлайсиз, шунда меъёрий вазнингиз аниқ бўлади.

Масалан, бўйингиз 170 сантиметр. Демак, меъёрий вазнингиз 70 килограмм экан. Олимлар тадқиқоти бўйича 10 килограммдан ортиқ вазн семизлик белгиси ҳисобланади. Агар сиз тўлиша бошлаганингизни сезиб қолсангиз, касалликнинг илк давридаёқ енгиш осон бўлади.

Кўпчилик хотин-қизлар семизликка қарши курашнинг энг осон йўли кам овқат ейиш ёки оч юриш деб ўйлашади. Бу хато тушунча, албатта. Чунки узоқ илмий изланишлар шуни кўрсатдики, очликда кишининг жигари ва юрак фаолиятига зарар етади. Шунинг учун бу даво усули қўлланилмайди.

Семириб кетиш хасталигидан азоб чекиб, озиш истагида юрганларга маслаҳатимиз шундай. Энг таъсирчан даво усули – калорияси чекланган овқат турларини истеъмол қилиш. Шунда организмдаги ёғлар парчаланиб, ортиқча оғирлик йўқола бошлайди. Таомлар таркибида углеводлар камайиб, оқсил ва витаминлар кўп бўлиши, овқатни доимо ўсимлик ёғида (чунки у тез сингади) пиширган маъқул.

Ҳар куни овқат билан бирга сабзи, бодринг ва қатиқ истеъмол қилиш шарт. Масалан, унча ширин бўлмаган 1,5 килограмм олма ва 1,5 литр қатиқни ҳар куни бешга бўлиб истеъмол қилиш зарур. Булардан ташқари, эрталабки бадантарбия ва жисмоний меҳнатнинг бирор тури билан доимо шуғулланиб туриш лозим. Узоқ вақт пиёда юриш ҳам жисмоний ҳаракатга киради. Озиш учун парҳез қилаётган беморлар тез-тез эндокринолог шифокор билан маслаҳатлашиб туришлари керак.

Агар юқоридаги маслаҳатларга риоя қилсангиз, қоматингиз ҳамиша хушбичим, кайфиятингиз аъло, қадамларингиз енгил, соғлиғингиз мустаҳкам бўлади. Семириб кетмай десангиз, ҳар доим ҳаракатда бўлинг, оз-оздан ва тез-тез овқатланинг, соғлиқнинг гарови бўлган жисмоний тарбия машқларини канда қилманг.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

Осойишталик посбонлари

**Эл осойишталиги ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши тинимсиз кураш олиб бориш ҳам шарафли, ҳам масъулиятли вазифа. Вилоят ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ходимлари буни яхши билишади.**

# ЎҒРИ ҚОЧИБ ҚУТУЛОЛМАДИ



Жиноятчи ёки жиноят содир этишга мойил шахслар учун аҳоли гавжум ҳудудлар нисбатан қулай ҳисобланади. Шу боис жойларда фуқароларнинг хотиржамлигини таъминлаш учун бор имкониятлар ишга солинмоқда. Ўтган ойлар давомида бевосита ходимлар томонидан 29 та, бошқа хизмат вакиллари билан ҳамкорликда 827 та жиноий ҳолат фош этилишига эришилди.

Сўнгги пайтларда кўча ва жамоат жойларида фуқароларнинг тилла тақинчоқлари ёки уяли телефонларини юлиб қочиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бундай ҳодисаларни тун қоронғусида амалга ошириш талончи учун анча қулай. Кечқурун ўз уйи атрофида сайр қилиб юрган Ғолибанинг қўлидаги "Nokia" русумли, 155 минг сўмлик телефоннинг сониялар ичида талончи қўлига ўтиши жабрланувчини саросимага солиб қўйди. Бироқ, бу ҳудудда хизмат вазифасини ўтаётган ходимлар унинг мушкулини осон қилишди. Телефон "ишқибози" Шерзод қисқа фурсатда қўлга олинди.

"Ангрен-кон" ҳиссадорлик жамияти ҳудудида темир-бетон деворни тешиб кириб, у ердан 206 минг сўмлик темирларни ўмарган ўғри ўз хаёлида ишни "хамирдан қил суғургандай" амалга оширдим, деб фикр қилган эди. Лекин 1-отряд ходимлари ва жиноят-қидирув хизмати вакилларининг ҳамкорликдаги тезкор ҳаракатлари унинг бу хаёлини пучга чиқарди. Ўғри, ангренлик Ортиқ қўлга тушди.

Аввалдан пухта ўйлаб, айнан тун ярмида жиноят содир этишни мўлжаллаган бир гуруҳ босқинчиларнинг режалари ҳам патруль-пост хизмати ходимларининг ҳушёрлиги ва чапдастлиги туфайли барбод бўлди.

– "Ўзкимёмаш" корхонасига тегишли тахтани қайта ишлаш цехи ёнидан ўтаётган чоғимизда ойна синганини эшитиб, сергак тортдик, – дейди сержант Ҳамидулла Норматов. – Ичкарига кирсак, икки номаълум шахс қоровулни пичоқ билан қўрқитиб, "Дамас" русумли автомашинани олиб чиқиб кетишга уринаётган экан. Вазиятни тўғри баҳолаб, тезкор ҳаракатлар билан босқинчиларни қўлга олдик. Улар чирчиқлик Умид ва Сергей исмли йигитлар экан.

Бекобод шаҳрида яшовчи Исроил чиндан ҳам автомашина "ишқибози" бўлиши мумкин. Лекин бировнинг автомобилини "шилиб" кетишга уринишини асло оқлаб бўлмайди. Ҳушёр ходимларнинг ҳаракатлари туфайли бу ишқибознинг хумори босилмайдиган бўлди. Усмон Юсупов кўчасида хизмат постида бўлган ходимлар ярим тунда 1-уйда яшовчи Ҳасанбой Ниёзовнинг ҳовлисига девордан ошиб кириб, 400 минг сўмлик автомобиль эҳтиёт қисмларини ўғирлаб кетаётган шахсларни ашёвий далиллар билан қўлга олишди.

Кўриниб турибдики, патруль-пост хизмати ходимлари зиммаларидаги вазифаларни масъулият билан адо этишяпти. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўғрилик ва бошқа жиноятлар вақтида очилиб, тегишли жазо чоралари кўрилмоқда.

**Хуршид РЎЗИЕВ.**

**СУРАТДА:** партуль-пост хизмати ходимлари фаолиятидан лавҳа.

ШУНДАН КЕЙИН

## ЎЗ-ЎЗИНИ ОПЕРАЦИЯ ҚИЛГАН

Антарктидадаги Новолазаревск станциясининг доктори Л. Рогозовнинг 1961 йилда биқини бирдан оғриб қолади. Ўша пайтда яқин орада унга тиббий ёрдам кўрсатадиган докторнинг ўзи йўқ эди. Шунинг учун у ўзига ўзи ташҳис қўяди. Операция столини тайёрлаб, рўпарасига ойнани ўрнатиб, ўзини операция қилишга киришади ва бу ишни муваффақиятли якунлайди.

Дарвоқе, Рогозов операцияни бир ярим соатда уддалаган.

## БИЛАР-БИЛМАС ДАВОЛАШ ОҚИБАТИ

Испаниянинг Сарагосса шаҳрида яшовчи Кармела исмли аёл тўққиз ёшли қизи – Лауренсиянинг ранги пастлиги ҳамда бўйининг яхши ўсмаётганидан нолиб юрарди. Қўшнисининг маслаҳати билан қизига ҳар куни уч маҳалдан – эрталаб, тушки овқатдан олдин ва кечқурун микройод дорисини ичказа бошлайди. Орадан 4 ой ўтгач, Лауренсиянинг бўйи ўса бошлади, 8 ойдан кейин "бечора"нинг баландлиги 195 сантиметрга етса бўладими! Шундан сўнг она дорини бермай қўйди ва бўйини тўхтатиш учун докторларга мурожаат этди. Мутахассисларнинг фикрича, Лауренсиянинг бўйи ўсиши 18 ёшга тўлгандагина тўхташи мумкин. Бунгача қизнинг бўйи қанчага етишини тасаввур қилиб кўринг-а!

Общество с ограниченной ответственностью "BEK KOMIL FOOD" (ООО "BEK KOMIL FOOD") (ИНН 206161108) зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Яккасарайский район, ул. Куш беги, 5-Б ликвидируется (решение учредителя от 10 ноября 2008 г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования указанного объявления.

Иностранное предприятие ООО "FERMAN TEKSTIL" уменьшает уставной фонд с 150.000,00 долларов США до 126.000,00 долларов США.

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по адресу: 100208, г. Ташкент, Чиланзарский район, м-в Кизил Шарк, дом 30. Телефон: 315-23-66.

Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги томонидан 2008 йил 25 январда "SARRUNA" қўшма корхонасига берилган УС № 003941 рақамли улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянное свидетельство на здание-сооружение № ТА 0607943, выданное землеустройства кадастра недвижимости г. Ташкента на имя Бабаджанова Бекзода Айбековича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ХК "DILSHOD UNIVERSAL SERVIS" зарегистрированный в хокимияте М. Улугбекского района г. Ташкента под реестровым номером № 003336-04 от 14.11.2007г., объявляет о своем присоединении к ООО "REMSTROYDOR-KOMPLEKT", зарегистрированного в хокимияте Яккасарайского района г. Ташкента под реестровым номером № 003507-1 от 24.10.2007г. на основании протокола намерения от 30.07.2008г., а также объявляет о том, что ООО "REMSTROYDORKOMPLEKT" берёт на себя все финансовые и хозяйственные обязательства ХК "DILSHOD UNIVERSAL SERVIS".

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, ул. Миракилова, 68-А. Тел.: 255-67-00.

Буни ҳаёт дейдилар

# БАХТИНГИЗДАН ЮЗ ЎГИРМАНГ



Юлдузни икки йилдан буён танийман. Ёзган қораламалари билан таҳририятга тез-тез келиб туради. Юзларида кулгу ўйнаб турса-да, шаҳло кўзлари одамга маъюс боқади.

Одатдагидек иш куни. Хонада ўз юмушларим билан андармон бўлиб ўтирсам, эшикни аста тақиллатиб, у кириб келди. Саломаликдан сўнг қўлидаги дафтарни стол устига қўйди.

– Ишингиз кўп экан-а, – деди шошилаётганимни кўриб.

– Хижолат бўлма, чоршанба куни келсанг, албатта, буни кўриб қўяман. Сўнг бафуржа гаплашамиз, хўпми? – дедим дафтарни тортмага сола туриб.

– Афсус, вақтингиз бемалол бўлганида сингилларимнинг расмини кўрсатмоқчи эдим, – деди у.

Шошилаётганимга қарамай, қизнинг кўнгли учун у узатган расмларни қўлимга олдим.

– Бунча чиройли бу қизлар.

– Ростдан чиройлими? – энтикиб сўради Юлдуз.

– Сингилларинг ўзингга ўхшаб моҳлиқо экан, – дедим уни эркалаб.

– Лекин адам, – бирдан Юлдузнинг қароқлари ёшланди. Гапини охиригача айтолмади, бўғзига қадалиб келган йиғини тўхтатолмади, ўксиб-ўксиб йиғлади. Қизнинг гапидан ҳеч нарсага тушунмадим. Лекин кўксини куйдириб оқаётган кўз ёшидан муштдек жуссасини қандайдир ташвиш кемираётганини ҳис қилдим.

– Юлдуз ақлли қизсанку, ўзингни қўлга ол, – дея таскин бергандек бўлдим.

– Адам бизни ёмон кўради, – чуқур хўрсинди Юлдуз.

– Вой тентак қиз-ей, бу гапни қаердан олдинг?

– Э-э, – қиз гапиролмай, ғунчадек лабларини тишлади. Орага бир лаҳзалик сукунат чўкди.

– Кеча ойим яна қиз туғди. Бу сафар ўғил бўлса керак, дея умид қилгандик. Афсус... Энди адам биз билан яшамаса керак.

– Нималар деяпсан? – таажжуб билан сўрадим ундан.

– Адам ойимга "агар яна қиз туғсанг, онангнинг уйига кетавер" дея дўқ қилганди. Қиз туғилганини эшитиб, "бешта қизни бошимга ураманми" деб роса уруш-жанжал қилди. Бувим қанча насиҳат қилсалар ҳам қулоқларига кирмади. "Кўзимга кўринмаларинг" дея бизларни ҳам қўймаяпти. Энди билмадим, буёғи нима бўлади?..

Юлдузнинг гапларидан ғалати аҳволга тушдим. Гарчи унинг сўзларидан кўнглим зирқираб турса-да, муштипар қизчага на таскин, на бир оғиз сўз дея олдим. Чунки буни ҳаёт дейдилар, унда эса нималар бўлмайди. Фақатгина жондан жон бунёд этиб, оиласини сақлаб қолиш учун жонини хатарга қўйишга ҳам рози бўлган аёл ва унинг беш гулгун қизларининг хавотирли чеҳралари кўз олдимдан ўтаверди.

Юлдузнинг отасини танимасам-да, унга ғойибона сўз айтгим келди: «Бир-биридан сулув парирўй қизларингиз борлиги учун Яратганга шукр қилинг. Шундай қизларни ато этган Эгам, насиб этса, ўғил ҳам бергусидир. Бугун сиз ёқтирмаётган қизларингиз эртага албатта сизни орингиз, ғурурингиз бўлади. Куни келиб, шу гўзаллар ортидан кулбангизни хонлар, беклар очиб, уни нурафшон қилишига шубҳа йўқ. Кексалик эшик қоқиб келганида кўзингизга нур, белингизга қувват бўлиб, меҳр-муҳаббатлари билан сизни эъзозлайдиган ҳам мана шу қизларингиз».

**Дилфуза МИРОБИДОВА.**

Бекажон

## ШОЛҒОМДАН КОСАЧА ДЎЛМА

Шолғомнинг саломатликка фойдали неъмат эканлигини барчамиз биламиз. Лекин ундан "косача" дўлма тайёрлашничи?

Бунинг учун ўртача катталикдаги шолғомларни олиб, улардан "косача" ясалади. Қиймалагичдан ўтказилган қўй гўшти, ҳалқа қилиб тўғралган пиёз, қайнатилган гуруч қўшиб, тухум чақилади. Масалликқа туз ва мурч сепиб аралаштирилади. Сўнг қийма билан тўлдирилган "косача"лар мантиқасқонда 40-45 дақиқа пиширилади.

Ажойиб таом тайёр бўлгач, юзига қаймоқ суртиб, дастурхонга тортилади.

## ЯНГИЧА САЛАТ

Бу янги салат қизил сабзи ва қайнатилган гўштни сомонча шаклида тўғраб, тайёрланади.

Масаллиқ яшил нўхат ҳамда сметана қўшиб, яхшилаб аралаштирилади. Таъми туз ва зираворлар солиб ростланади.

Кўкатлар билан безатилган бу салат дастурхонга кўрк бағишлашдан ташқари, меъдани мустаҳкамлайди.

**Мунира ИСАЕВА тайёрлади.**

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

# СУВ ПАРИЛАРИ БЕЛЛАШУВИ

**Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт-соғломлаштириш мажмуасида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Синхрон сузиш федерацияси сингари бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида синхрон сузиш бўйича "Сув париси" халқаро мусобақаси ташкил этилди.**

Мусобақанинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан юртимизда навқирон авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу борада қабул қилинган фармон, қарор ва дастурларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаши баробарида, юртимиз шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчи йигит-қизларни вояга етказишда муҳим омил бўлмоқда.

"Ёшлар йили" Давлат дастурида ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни турли зарарли ғоя ва таъсирлардан ҳимоялаш, болалар спортини ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спортга ўғил-қизларни кенг жалб этиш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлашга "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Синхрон сузиш бўйича ўтказиб келинаётган анъанавий "Сув париси" мусобақаси иқтидорли спортчи қизларни кашф этишга хизмат қилмоқда. А. Рўзметова, Д. Можаева, Э. Муборакшина, М. Абрашкина, В. Попова, Н. Корнеева сингари спортчи қизларимизнинг халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришаётгани бунинг далилидир.

Бу йил тўққизинчи марта ўтказилаётган турнирда юртимиз ҳамда хориждан тўқсон нафардан ортиқ спортчи қиз иштирок этади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



# БОРИДА АСРАБ ҚОЛАЙЛИК

**Ўзим фермерман. Шундай бўлса-да, спорт билан шуғулланиш жону дилим.**

Туманимизда ҳар байрам кунлари фахрий спортчилар ўртасида югуриш мусобақалари ўтказиб турилади. Аввалига бундай спорт тадбирларига унча эътибор бермасдим. Лекин шу мусобақаларнинг жонкуяр ташкилотчиси Халил ака Қаршибоевнинг саъй-ҳаракатлари, бераётган йўл-йўриқлари муносабатимни буткул ўзгартириб юборди. Ўтган йилнинг охирларидан бошлаб спорт билан шуғулланишдан ташқари парҳезга ҳам амал қилаяпман. Нон ва гўшт маҳсулотларини кам истеъмол қилиб, кўпроқ кўкат, сабзавот ва мевалар еяпман. Натижада 10 ой давомида 27 килограмм озишга эришдим.

Яна бир гап. Яқинда туманимизда фахрий спортчиларнинг саломатлик клуби ташкил этилди. 40 ёшдан 66 ёшгача бўлган югуриш ишқибозлари шу клубга аъзо бўлишган. Ҳозир улар 20 нафарга етиб қолди. Эътиборлиси шундаки, югуриш билан шуғулланаётганларнинг аксарияти юриш-туриши, маданияти, қолаверса, одамгарчилиги билан ҳам бошқаларга ўрнак бўладилар. Улар фақат югуриш билан шуғулланиб қолмай, атроф-муҳитни озода сақлаш, меҳр-оқибат ва хайрия ишларида ҳам фаоллар.

Шу билан бирга фахрий спортчилар ўртасида футбол бўйича вилоят биринчилиги ўтказилаётганлиги айни муддаодир. Биз «Султонобод» фермерлар уюшмасида ҳам алоҳида футбол жамоаси ташкил қилиб, вилоят биринчилигида иштирок этишни режалаштириб қўйдик.

**Икром АНОРҚУЛОВ,**
**Оққўрғон туманидаги «Турғунбой ота» фермер хўжалиги раҳбари.**

**СУРАТДА:** (чапдан) туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Фахриддин Қудратов спорт тадбирларига ҳомийлик қилишда бошқаларга намуна кўрсатаётган Икром Анорқуловни югуриш мусобақасида ғолиб чиққанлиги билан табрикламоқда.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

# АФСУСКИ, АЙБДОР – ЎЗИМИЗ

**Кўза кунида синади, деган гап бор. Бу иборани ўт ўчирувчилар бот-бот тилга олиб қўйишади. Бунга иситиш ёки ёритиш воситаларининг техник носозлигидан келиб чиққан ёнғинларни ўчиргани борганларида уй эгаларининг бепарволиги оқибатида юзага келган аянчли ҳолатлар сабаб бўлса ажабмас.**

Ҳар бир кўнгилсизлик замирида кимнингдир айби бор. Хонадонларда содир бўлган ёнғинларнинг аксарияти уй эгаларининг лоқайдлиги ва бепарволиги натижасидир. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда содир бўлиб турган ҳар икки ёнғиндан бирига фуқароларнинг ўзлари сабабчи бўлиб қолмоқдалар. Шундай эканига қарамай, уларнинг газ ва электр энергиясидан нотўғри фойдаланишлари оқибатида келиб чиққан ёнғинлардан вақтида хулоса чиқариб олмаётганликлари янада таажжубланарлидир.

Газ ва электр тармоқларидаги носозликка ўз вақтида аҳамият бермаслик оқибатида ёнғин келиб чиқишини ҳеч қачон ёддан чиқармаслик зарур. Хонадонлардаги электр симлар, газ қувурлари ёки плиталардаги техник носозликларни кечиктирмай бартараф этиш лозим. Ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар-жойларида содир бўлаётганлиги ҳам фуқаролар орасида тарғибот ишини кучайтириш, ёнғинларга сабабчи бўладиган иллатларнинг олдини олишга жамоатчиликни кенг жалб қилишни тақозо этади. Модомики, ёнғинлар содир бўлиб турган экан, уни келтириб чиқарувчи иллатларни бартараф этишда фуқароларнинг шахсий масъулияти ва фаоллиги муҳимдир.

Айни кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда. Барчамизнинг мақсадимиз бир – ҳеч кимнинг хонадонига ўт балоси хавф солмасин.

**А. ТЎРАХОНОВ,**
**ёнғин хавфсизлиги инспектори.**

ООО "MARBLE STONES" (ИНН 205780414) зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Гавхар, 151-А ликвидируется (протокол собрания № 3 от 13 ноября 2008 г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 157-83-09, 157-83-06.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1040. Адади 4932. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 2 5 6 7 8